

## Ёшлар - соғлом ҳаёт тарзи тарафдори

Ҳар бир таълим муассасаси соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик мухитни шакллантириш, унинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи авваломбор, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этувчи талаба-ёшларни тарбиялаши зарур. Шу сабабли Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги буйруғига асосан таълим муассасаларига май ойи давомида “Одоб-ахлоқ ойлиги” мавзуси бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ушбу мавзу бўйича шунингдек, "Ер ресурсларини бошқариш" факультетининг маъruzalар залида 4 курс талаба-ёшлари ўртасида давра сухбати бўлиб ўтди. Унда факультет декани Ш.Нарбаев, ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳ.Эшова, “Гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси Б.Муқимов, ҳамда факультетнинг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Табдирни факультет декани очиб берди ва тингловчиларга мавзуга доир ўз маърифий ўгитларини сўзлади. Ахлоқи ёмон болалар асосан мұхити соғлом бўлмаган оиласдан чиқиши маълум. “Бугунги ўғри, фирибгар ва хулқи ёмон кимсалар кеча тарбиясига эътибор берилмаган болалардир!” деган эди Абдулла Авлоний. Оиласдан тарбиядан ташқари, болаларимизнинг кўча-куйда юриштуришларига ва кимлар билан алоқа қилаётганига ҳам алоҳида аҳамият беришимиз керак. Барча талаба-ёшларга ушбу тадбирда сўз юритилган маълумотлар маъқул келиб, ўзлари қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоблар олинди.



**ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳуррият Эшова ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**